

## Шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратлари Ҳасти Имом мажмуасини зиёрат қилдилар



13:00 / 18.04.2019 3711

*Аввал хабар қилганимиздек, машҳур олим, муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ Ўзбекистон бўйлаб зиёратни бошлаган эдилар. Сурхондарё зиёратидан сўнг меҳмонлар Тошкентга етиб келишди.*

Бугун 2019 йилнинг 18 апрель куни шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ Тошкентга келдилар.

Шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратлари Тошкент аэропортида Ўзбекистон мусулмонлар идораси масъул ходимлари ва бир қатор мухлислари томонидан кутиб олинди.

Шу тариқа муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратларининг Тошкент бўйлаб зиёратлари бошланди.

Меҳмонлар Қорасарой кўчасининг Ҳасти Имом (Ҳазрати Имом) мажмуасига бориб, у ердаги музей-кутубхонада сақланаётган Усмон Мусҳафини кўздан кечирдилар.

Кейин Абу Бакр Қаффоли Шоший роҳимаҳуллоҳнинг қабрларини ҳам зиёрат қилишди.

Кейинги зиёратлар ҳақидаги янгиликлар билан [islom.uz](http://islom.uz) портали ва унинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифалари орқали хабардор бўлишингиз мумкин.







ISLOM.UZ



ISLOM.UZ









***Islom.uz*** портали таҳририяти